

Мавзу: Шарқ Уйғониш даври сиёсий ҳуқуқий таълимотлари

Режа:

Кириш.

- 1. Форобийнинг давлат, ҳуқуқ ва ҳокимият ҳақидаги таълимоти.**
- 2. Ибн Синонинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.**
- 3. Абу Райхон Берунийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.**
- 4. Ибн Рушднинг сиёсий ҳуқуқий қарашлари.**
- 5. Ибн Халдуннинг сиёсий ҳуқуқий таълимоти.**

Холоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, қадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу - табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди.

Хозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафакат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёsatчилар, саркардалар етишиб чиқсан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган. Эрамизгача ва ундан кейин қурилган мураккаб сув иншоотлари, шу кунгача кўрку файзини, маҳобатини йўқотмаган осори атиқаларимиз қадим-қадимдан юртимизда дехқончилик, ҳунармандчилик маданияти, меъморчилик ва шаҳарсозлик санъати юксак бўлганидан далолат беради. Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тошёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган 20 мингдан ортиқ қўллэзма, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёsat, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, дехқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир. Бунчалик катта меросга эга бўлган ҳалқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг саноқли мамлакатларигина биз билан беллаша олиши мумкин¹.

Миллий давлатчилик илдизлари уч минг йиллик тарихга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси XXI аср бўсағасига келиб ўз миллий мустақиллигини қўлга киритди. Бой миллий-маънавий меросимизни қайтадан кашф этиш, ўзликни англаш, аждодларимиздан мерос миллий қадриятларни, узок тарихга эга бўлган миллий давлатчилигимиз

¹Тарихий хотирасиз келажак йўқ. И.А. Каримов. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан сұхбат. "Мулокот" журналининг 1998 йил 5-сони

анъаналарини таҳлилдан ўтказиш кун тартибига чиққан долзарб вазифалардан бўлиб қолди. Миллий қадриятлар ва маънавий-илмий меросни замонавий умуминсоний қадриятлар билан уйғунлаштириш миллий истиқтолни мустаҳкамлаш ишининг муҳим бир қисмидир. Айни пайтда, миллий давлатчилигимиз тарихини, юртимизда давлат ва қонунчилик борасидаги сиёсий-хуқуқий билимларнинг ривожланиши жараёнларини яхши англаб, билиб олиш учун жаҳон тарихидан, дунё мамлакатларида бу соҳада кечган жараёнлардан яхши хабардор бўлиш зарур.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек: "Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги қўп-қўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни куришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилмоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият хаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга татбиқ этиш лозим"¹.

Бинобарин, вақт ўтган сари инсоният орттирган тарихий тажриба ва билим, маънавий-маданий мерос кўлами ортиб бораркан, ўз навбатида тарихнинг ҳам давр учун бўлган аҳамияти кучайиб боради.

Дастлабки сиёсий-хуқуқий фикрлар барча халқларда, қадимги Шарқда ҳам, антик ғарбда ҳам: афсона, ривоятлар негизида шаклланган. Уларга кўра, ердаги тартиблар умумбашарий, коинот тартибларининг узвий қисми ва келиб чиқиши жиҳатидан – илоҳийдир. Ана шундай тушуниш узоқ давр мобайнида Шарқда, кейинчалик ғарбда ҳам инсонлар, улар ўртасидаги муносабатлар, азалдан белгиланганлигига асосланиб барқарор дунёқарашни шакллантириди. Дастлаб пайдо бўлган сиёсий хуқуқий ғоялар ҳақида сўз кетганда Ўрта асрлардаги Шарқ Уйғониш (Ренессанси) даври сиёсий хуқуқий қарашларига тўхталиб ўтмасдан бўлмайди, сабаби айни шу даврдаги сиёсий хуқуқий ғоялар жаҳон халқлари сиёsat, хуқуқ масалалари ривожланишида катта рол ўйнайди . Шарқда илк Уйғониш даври деб аталган

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курмоқдамиз. 7 — Т., “Ўзбекистон”, 1999.

IX-XII асрларда Турунзамиң халқлари жағон илм фаны, маданияти маңнавияти тараққиётига буюк ҳисса құшиб, тарих сақиғаларига ўз номларини агадул-абад муhrлаган улуғ сиймоларни тақдим этди. Ана шу асрларда яшаб ижод этган жағонға машхур алломаларнинг муборак номлари Шарқ ва Ғарбда фахр-иғтихорла тилға олинади. Бунинг қатор сабаблари бор, албатта.

Асосий сабабларидан бири илк Үйғониш даври мутафаккирларининг илмий таълимотларининг тор миллий қобиқда ўралиб қолмаганлигидадир. Улар илм-фан ва маданиятнинг қайси соҳаси хоҳ табиий, ижтимоий, гуманитар, хоҳ диний дунёвий жабхаси бўйича шуғулланишган бўлишса, ўша соҳада буюк кашфиётлар қилишди, ўтмиш донишмандларидан ҳеч бири эгаллай олмаган фаннинг нурафшон чўққиларини эгаллаб олишди. Алломаларнинг кўпчилиги илм-фан ва маданиятда янгача йўналишларни, янгича тафаккур услубини ихтиро қилишди. Яратган илмий таълимотларни фақат улар яшаган давр, халқ ва миллат учунгина эмас, кейинги авлодлар ва умумбашарият ҳамда ҳозирги давр ва инсоният истиқболи учун ҳам жуда зарур ва муҳимдир.

Буюк зотлар, қомусий ақл эгаларининг деярли ҳаммаси айни бир пайтнинг ўзида ҳам илмий-ижодий фаолиятда, ҳам амалиётда фаол иштирок этишди, қайноқ ҳаёт марказида бўлишди, сўзни иш билан боғлаб олиб боришли, ҳар доим халқ билан ҳамнафас бўлишди.

Үйғониш даври алломаларининг инсониятни ҳозиргача лол қолдириб келаётган жиҳатларидан тағин бири маңнавиятларининг ғоят даражада кенг ва чуқурлигидадир. Уларнинг бу фазилатларини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Алломаларнинг буюк ватанпарварлиги, илмга, инсонга, бани башариятга меҳр-муҳаббатлари,adolatпарварликлари, эзгу мақсадлар йўлида хизмат қилишни ҳаётларининг мазмун-моҳияти, бош мақсади деб билганликлари бутун инсоният учун, ҳозирги ва келгуси авлод учун энг катта сабок, таълим-тарбия мактабидир.

Шу ўринда бир савол туғилади, нимага IX- XII асрлар Марказий Осиёда илк Үйғониш даври деб айтилади ? Нима ундан олдин Марказий

Осиёда маданият, фан, санъат ва адабиёт бўлмаганми? Йўқ ундаи эмас, тарихга назар ташлайдиган бўлсак араблар бостириб келмасидан олдин Ўрта Осиё маданияти юксак даражада бўлган, аммо араблар истилоси даврида бу маданият топталган. Араблар босқинидан сўнг бу маданиятни қайта тиклаш бошланган. Ана шу қайта тиклаш асносида Уйғониш даври вужудга келган. Ренессанс даврида жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшган буюк олиму фузалолар, фан ва маънавият соҳиблари етишиб чиқдилар.

Бугунги мустақил ишимда айни шу давр алломаларининг сиёсий, ижтимоий, диний ва дунёвий қарашларини ёритиб беришга харкат қилганман.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, Ўрта асрлар Шарқ Уйғониш даври сиёсий ҳуқуқий ғоялари жаҳон мамлакатлари сиёsat ва ҳуқуқ соҳалари ривожланишида муҳим ҳисса қўшган. Бундан ташқари миллий давлатчилигимизнинг шаклланиши, ҳозирда юртимизда амалда бўлган сиёсий тизимнинг барқарор бўлишида Илк Уйғониш даври уламоларининг ўрни бекиёсdir. Шундай экан, бу даврда яшаб ижод қилган бобокалонларимизнинг сиёсий ҳуқуқий қарашларини ўрганиш ҳар бир талаба учун қизиқ ва шу билан бирга муҳим ҳисобланади.

Мустақил иш мавзусининг ўрганилганлик даражаси.

Мавзуни бир қатор олимлар ўрганганлар ва мазкур мавзу юзасидан илмий ишлар қилганлар. Булардан профессор Бобоев Х.Б., ю.ф.н. Феруза Мухиддина, Ҳ.Б. Тошқулов.Ж.Ў. лар алоҳида аҳамият билан мавзуни кенг қамровли асосда ўрганганлар. Бундан ташқари жаҳон олимларидан В.С.Нерсесеянц, Лейст ва бошқалар ҳам ўзларининг илмий ишларида тўхталиб ўтганлар. Улар мавзуни биз учун катта аҳамиятга эга маълумотларни аниқ ва лўнда ёритиб берганлар.

Илк Уйғониш даври мутафаккирлари сиёсий ҳуқуқий қарашлари тўғрисида Феруза Мухиддина ўзининг “Форобий сиёсий ҳуқуқий таълимотида қонун ва қонунчиликни такомиллаштириш концепцияси “номли

қўлланмасида ва Бобоев Б. Ҳ ва бошқалар “ Сиёсий ва хуқуқий таълимотлар тарихи “ дарсликларида бу мавзуни кенг ёритиб беришган.

Мустақил иш мавзусининг объекти ва предмети-мустақил ишини номи, яъни Шарқ Уйғониш даври сиёсий хуқуқий таълимотларини ўрганиш ташкил этади.

Мустақил ишининг тузилиши.

Мазкур мустақил иши, кириш, 5 та параграф, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат.

Мустақил ишининг 1-параграф “Форобийнинг давлат, хуқуқ ва ҳокимият ҳақидаги таълимоти” деб номланиб, Абу Наср Фаробий сиёсий хуқуқий қарашлари ва “Фозил одамлар шахри” асаридаги фозил шаҳар ҳукмдори тавсифи берилган.

2- параграф эса “Иbn Синонинг сиёсий-хуқуқий қарашлари” деб номланади. Унда Иbn Синонинг давлат ҳукмдори қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги фикрлари ёритилган.

Қомусий олим Абу Райхон Берунийнинг ижтимоий сиёсий ғоялари 3-параграфда ёритиб берилган.

Шунингдек, 4 ва 5 параграфларда уйғониш даври араб мутафаккирларидан Иbn Рушд ва Иbn Халдуналарнинг сиёсий хуқуқий қарашлари ўз аксини топган.

1.Абу Наср Форобийнинг давлат, хукуқ ва ҳокимият ҳақидаги таълимоти.

Инсон табиатан эркинликка, эзгуликка интилиб яшайди. Бундай эхтиёжларнинг барча учун умум бўлган қоидаларини ва уларнинг тартиботларини ташкил этишда давлатга бўлган эхтиёж вужудга келади. Мана шундай эхтиёж маърифий ва маданий таълимотларнинг ҳосиласи сифатида умуминсоний қадриятларнинг меъзонларини шакллантириб келган.

Айни пайтда, кишилик жамиятининг ўзаро урушлар ва ихтилофлар билан боғлиқ даврларида янги маърифий таълимотлар ҳалоскор ФОЯ сифатида вужудга келган. Айнан, IX ва XIII асрлар Ўрта Осиё тарихида шундай мураккаб давр бўлган. Халқнинг ўз мустақиллиги учун курашиши, бунда хуррият ва инсон эркинлиги ғоялари миллатни маънавий юксалишига олиб келган. Бу даврда дунёга машхур Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк каби файласуф, сиёsatчи тарихчи олимлар шу даврда яшаб ижод этдилар. Бу давр ўз мазмуни, салмоғи жиҳатидан Ўрта Осиё Уйғониш даври деб тарихга киради. Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар қуидагилардан иборат эди:

1. Дунёвий маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва қўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, айниқса, табиий — фалсафий, диний, тарихий ҳамда ижтимоий илмларни ривожлантириш.

2. Табиатга қизиқиши, табиатшунослик илмларининг ривожи, рационализм, ақл кучига ишониш, асосий эътиборни ҳақиқатни топишга қаратилган фанларга бериш, ҳақиқатни инсон тасаввuri, илмининг асоси деб ҳисоблаш,

3. Инсонни улуғлаш, унинг ақлий, табиий, рухий, бадиий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварлик юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намоён этиш, комил инсонни тарбиялаш.

4. Универсаллик — қомусийлик барча табиат ҳодисалари билан қизиқиш ва унинг моҳиятига интилиш.

5. Давлат қурилиши ва бошқарувининг назарий негизлари адолат, ахлоқ тамойилларида шакллантириш, уларнинг хуқуқий ҳамда амалий асосларини ривожлантириш.

6. Давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолият даражалари таснифлари, масъулияти меъзонлари тизимининг назарий негизларини яратиш.

Шу даврнинг йирик намоёндаларидан бири Туронзамину Шарқ оламининг, бутун инсониятнинг илм-фани, маданияти ва маърифати таракқиётiga бебаҳо ҳисса қўшган буюк мутафаккир, илк Уйғониш даврининг қомусий алломаси Абу Наср Фаробийдир. Абу Наср Форобийчалик буюк аллома унинг замонасидағина эмас, балки ундан олдин ҳам бўлмаган. Айтишларига қараганда,-дейди Ал-Байҳақий,-ҳакимлар аслида тўртга бўлган, иккитаси исломдан олдин чиққан Арасту ва Искандар (Афрудусий) бўлишган бўлса, кейинги иккитаси ислом даврида етишган Абу Наср Фаробий билан Абу Али ибн Синодир.

Замондошлари орасида ҳеч бир олим узун мурасимни Форобий даражасига эриша олмаган. Абу Наср Форобий дунёда тан олинган файласуф бўлиш билан бир қаторда йирик тилшунос, мантиқчи, риёзатчи, социолог, филолог, тиббиётчи мусиқа илмининг улкан назариётчиси ҳамда етук сиёсатшунос олим ҳамдир.

Абу Наср Форобийнинг сиёсий-хуқуқий таълимотида қонунчиликни тако-миллаштириш концепциясини ўрганишда, жамиятнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланишининг сабаблари борасидаги Форобийнинг фикрларини ўрганиш аҳамиятлидир. Абу Наср Форобийнинг фикрича, инсон ўз табиатига кўра ижтимоийдир ва фақат ўзаро боғлиқликда, жамоа бўлиб

яшай олади. Чунки ҳар қандай инсон ўзининг оддий кундалик эҳтиёжларини қондириш учун у бошқаларнинг ёрдамига зарурат сезади, бошқалар ҳам худди шу каби ўзаро муносабатлар ўрнатишларига тўғри келади. Шундай қилиб, ҳаётий эҳтиёж инсонда жамоатчилик ҳиссини пайдо қилади ва ўзаро мuloқotни келтириб чиқаради. Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» номли рисоласида шундай ёзади: «Табиатига кўра ҳар бир одам шундай тузилганки, ўзининг яшashi ва мукаммалликнинг энг юқори даражасига етиши учун унга жуда кўп нарсалар керак бўлади. Ваҳоланки, эҳтиёжидағи ҳамма нарсалар билан у ўзини ўзи таъминлай олмайди ва бунинг учун унга одамлар жамияти керак бўлади, жамиятдаги одамларнинг ҳар бири унга зарур нарсаларни етказиб беради.»

Абу Наср Форобий жамият пайдо бўлиши ҳақида ўз концепциясини илгари сўради. Одамларнинг ўзаро бирлашишлари сабаблари сифатида қўйидаги энг муҳим шарт-шароитларни эътироф этади: аввало, инсонлар, бир-бирининг ёрдамига муҳтождирлар, шу нуқтаи назардан уларнинг ижтимоий вазият ва ҳолатлари бир хилдир; иккинчидан, бир жамиятга бирлашган одамларнинг ҳар бир инсон эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолияти ҳам ижтимоий, ҳам индивидуал мукаммалликни қўлга киритишга хизмат қилади. Шу боис ҳам кишилик жамиятининг пайдо бўлиши, Абу Наср Форобий фикрига кўра, эзгу мақсадларга асослангандир. Масаланинг шу тариқа англаниши фозил шаҳар (давлат)лар пайдо бўлиши заруратининг муҳим ижтимоий-фалсафий асосидир, зеро бундай шаҳар (давлат)лар Абу Наср Форобий томонидан кишилик бирлашмаларининг энг олий шакли деб эътироф қилинади.

Абу Наср Форобийнинг жамият ҳақидаги таълимотининг ўзига хослиги, қолаверса, янгилиги шу эдики, у жамият пайдо бўлишини, унинг шаклланиши ва ривожланиши муаммоларини одамларнинг табиий, ижтимоий-моддий эҳтиёжлари асосида тушунтиришга, англаб етишга ҳаракат қилган.

Абу Наср Фаробий "Фозил одамлар шахри" асарида инсоният

жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табий давлатга бўлган эхтиёжларнинг пайдо бўлишини, унда адолат ва аҳлоқнинг шаклланиши қонуниятларини назарий жиҳатдан таснифини яратган.

Шу тариқа олим давлат шакллари ва унда бошқарувнинг мунтазам, изчил сиёсий тизимини яратишга эришади, Масалан, фозиллар шахрининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай аҳлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қуришнинг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади, Бу борада Абу Наср Фаробий — "Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар хокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилигандан, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойик кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи душмандан муҳофаза қиласадилар" деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан борлиқ аҳлоқий кадриятларни тизимлаштиради. Эътиборли жиҳати шундаки, Абу Наср Фаробий қарашларидағи "хокими мутлоқ бўлмаслиги", "сайловчилар иродаси", "озодлик" каби фикрлари нафақат шу даврда, балки, бугунда ҳам инсоният маданиятининг — демократиянинг бош ғояси бўлиб ҳизмат қиласади.

Айни пайтда, Абу Наср Фаробий фозил шаҳарларнинг (давлатнинг) зидди бўлган шаҳарларнинг ижтимоий моҳиятини очиб берадики, — бу тоталитар давлат тизимиға хос келади. Масалан, разолат ва бадбаҳтлик шахри, обрўпарастлар шахри, амалпарастлар, ҳокимиятпарастлар шахри ва х.к. турларини кўрсатади. Бундай шаҳарлар адолатли жамият қуриш тўғрисидаги таълимотларга зид эканлиги кўрсатилади.

Абу Наср Фаробий ўзининг асарларида ҳукмдорларга яна шундай таъриф беради: "Агар салтанат ҳар қандай талабга жавоб берсаю, аммо донишмандлик тарк этса, мамлакат ҳукуматсиз қолди, деяверинг. Бу

мамлакатни бошқарувчи ҳукмдор ҳам ўз мавқенини бутунлай йўқотади. Мамлакат эса ҳалокатга юз тутади”¹.

Абу Наср Фаробий «Фозил одамлар шаҳри» асарида давлатнинг келиб чиқишини одамларнинг ўз эҳтиёжларини қондиришга бўлган истаги билан боғлайди. Давлатни яхши фазилатли, маърифатли ҳукмдор бошқариши лозим. Давлатнинг зўровонлик ва бебошликка қурилиши қораланади. Ўрта асрларда Абу Наср Форобий биринчилардан бўлиб, жамият ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт таркибини жиддий ўрганиш масаласини қўйди. Ижтимоий ҳаётни ўрганиш соҳасида Абу Наср Форобий бир қатор масалаларни белгилаб берди. Абу Наср Форобийнинг 160 га яқин асари бор. Бевосита сиёсатга оид «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари ҳақида рисола», «Фуқаролик сиёсати», «Бахтга эришув ҳақида», «Давлат арбобининг афоризмлари», «Намунали шаҳар» асарлари бор. У идеал жамият тузилишини, яъни фазилатли шаҳар аҳолисини беш қисмга бўлади:

- а) Файласуфлар – (фозил кишилар - муносиброқ одамлар);
- б) нотиклар (ширинсухан кишилар, машшоқ, шоир, ёзувчи, дин хиз.);
- в) ўлчовчи (мутахассислар: ҳисобчи, ҳакам, мухандис);
- г) қўриқчилар (жангчилар, посбон, хукуқ тарғиботчилари);
- д) бойлар (хўжалик ишлари билан шуғулланувчилар, чорвадорлар, савдогарлар).

Давлат бошлиғи ва давлат хизматчилари бошқарув санъатини яхши билишлари керак. Шундай бошқарув кишиларни баҳтга, тинчликка олиб боради. Бундай давлатда бошқарув адолатлидир. Аксинча баҳтсизлик, уруш ва қирғинларга олиб борадиган бошқарув адолатсиздир. Бошқарув санъати икки қисмдан иборат:

- 1) назарий (бошқарувнинг асосий усули ва қонун ҳақида билим);
- 2) амалий (давлатни идора қилиш).

¹ Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шаҳри”. А. Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 1993й. 161-бет.

Ақлли деб шундай кишиларга айтамизки, унда ўткир зеҳн-идрок бўлиши билан бирга, фазилатли, яхши ишларни амалга оширадиган, ёмон ишлардан ўзини сақлайдиган инсонлардир.

Абу Наср Форобий давлатнинг келиб чиқишини илохиётдан эмас, балки мавжуд жамиятдан излаш кераклигини айтади. Форобий жамоани катта - кичиклигига қараб уч турга бўлади:

- 1) Буюк жамоа – дунёдаги барча халқларнинг бирлашуви.
- 2) Ўрта жамоа – бир халқ ёки миллатни бирлаштирувчи жамоа.
- 3) Кичик жамоа – алоҳида бир шаҳар давлатини бирлаштирувчи жамоа.

Одамларнинг энг такомиллашган жамоаси – бу шаҳар давлатидир. Қишлоқлар шаҳарлардан кейин турувчи ва шаҳарларни озиқ-овқат билан таъминловчи жамоалар ҳисобланади. Абу Наср Форобий шаҳар давлатини икки таифага бўлади: 1) Ал-Мадина ал-Фозила; 2) Ал-Мадина ал-Жоҳилия.

Агар барча шаҳар аҳолиси ўзаро биргалиқда, иттифоқда яшаб, бир-бирларига ёрдам кўрсатсалар бундай шаҳарлар фазилатлидир. Барча халқлар тинч-тотув ва дўстлик асосида яшаса, ер юзида тинчлик бўлади.

Абу Наср Форобий асраларида давлат атамаси ишлатилмайди. Аммо шаҳар жамоалари Абу Наср деганда шаҳар-давлатларни назарда тутади. Давлатнинг келиб чиқишини Форобий одамларнинг жамоа бўлиб яшаш эҳтиёжларидан деб билади. У давлатнинг асосий вазифасини иккига бўлади:

1. Давлатнинг ички вазифаси фуқаронинг баҳтли ҳаётини таъминлаш.
2. Ташқи вазифаси ўз аҳолисини ташқи хужумлардан ҳимоя қилиш.

Абу Наср Форобий урушларнинг икки хилини айтади:

1. Адолатли урушлар (Адолатсиз урушга қарши олиб борилади).
2. Адолатсиз урушлар (Босқинчилик урушлари).

Абу Наср Форобий давлат шакли масаласига ҳам тўхталади. Тахт отадан болага мерос бўлиб ўтишини қоралайди. Давлат бошлиғи ўз лавозимига мансуб бўлган шахс бўлишини ёқлайди. Унинг фикрича, давлат бошлиғи ҳар томонлама етук бўлиши керак. Абу Наср Форобий ана шу ҳукмдор тўғрисида гапиран экан, унинг олдига 12 талабни қўяди.

Булар: 1) тўрт мучали соғлом; 2) нозик фаросатли; 3) хотирали; 4) зеҳни ўткир, зукко; 5) фикри тиник, сўзлари чиройли; 6) маърифатли; 7) тамоқ, ичимлик, аёлларга нисбатан очофат бўлмаслиги; 8) ҳақиқатгўй; 9) номусли, ориятли, олийҳиммат бўлиши; 10) бойликка қизиқмайдиган; 11) адолатпарвар; 12) ботир, яъни қўрқоқлик ва ҳадиксрашдан холи бўлиши даркор.

Абу Наср Форобий мана шу барча хислатларнинг бир одамда бўлиши қийин, бундай туғма қобилият камдан кам одамларда учрайди ва улар нодир инсонлардир. Баркамол инсон топилмай қолса, унда юқоридаги фазилатлардан 6 ёки 5 таси камол топган инсон ҳам ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шахрига раҳбарлик қила олади, дейди. Фозиллар шахрида бундай одам йўқ бўлганда ана шу имом ёки унинг издошлари чиқарган қонун ва тартибларга амал қилинади. Аввалги имом ўрнига келган кейинги раҳбарда ҳам юқорида айтилган хислатлар ёшлиқдан шаклланган бўлиши лозим. Кейинги имомда яна 6 та фазилат ҳосил қилиниши зарур: 1) донишмандлик; 2) кучли хотира; 3) янги қонунларни ихтиро қилиш; 4) вазиятни тез илғаб оладиган; 5) нотиқлик; 6) ҳарбий ишларга моҳирлик, раҳбарлик қилиш. Шу хислатларга эга бўлган шахс топилмаса, 2 киши бирлашиб фозил шаҳарга раҳбарлик қилиши лозим, дейди. Яъни шу хислатлар икки кишида жамланган бўлса, бири донишманд, иккинчиси қолган ҳислатлар соҳиби бўлса, шу икковини фозиллар шахрига раҳбарликка қўйиш керак¹, деб айтади.

Инсоннинг маънавий-ахлоқий камолотида, Абу Наср Форобийнинг қатъий уқтиришича, таълим билан тарбия айни бир вақѓда олиб борилиши, иложи бўлса олдин тарбия, сўнгра таълим берилиши лозим. Уйида, оиласида яхши тарбия қўрган бола ихлос ва ишонч билан таълим олишга, илм-фанни ўрганишга интилади. Агар ёшларда маънавий камолот заиф бўлса, уларда таълим олишга, ҳаётда ўзига муносиб ўрин эгаллашга иштиёқ суст бўлади. Ана шуларни ҳисобга олиб, Абу Наср Форобий аввал ёшларни тарбиялаб, меҳнат

¹ Абу Наср Фаробий “Фозил одамлар шахри”. А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1993й. 168-бет.

қилишга ўргатиб, касб-хунарни билдириб, кейин таълим бериш лозим, деб таъкидлаган.

Хулласи калом, Абу Наср Форобий ўзининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотида жамият тараққиётини маънавият ва маърифатсиз тасаввур этиб бўлмаслигани, унинг асосини инсон ва унинг фаолияти, илм-фан, маърифат, ахлоқ ва одоб, таълим ва тарбия ташкил этишини донишмандларга башорат қилган эди.

Абу Наср Форобийнинг таълимоти Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидағана эмас, жаҳоннинг деярли ҳамма халқлари ва мамлакатларида маънавият, маърифат, ахлоқ ва одобнинг ривожланиши учун йўл-йўриқ, назарий манба бўлиб хизмат қилди. Бунга Ислом Каримовнинг "Тафаккур" журнали бош мухаррири саволларига жавобларидағи, " Абу Наср Форобийнинг ўша машҳур "Фозил одамалар шахри" асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганига қарамасдан, бугунги ўкувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда аскотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади", деган фикрлари яққол мисол бўлади.

2.Ибн Синонинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

Ўйғониш даври маданиятининг йирик арбобларидан бири Абу Али ибн Сино (980-1037)ни Шарқ илк Уйғониш даврининг буюк тафаккур титани, йирик файласуф олими, дунёга донғи чиққан табиатшунос, математик, ҳуқуқшу-нос, ахлоқшунос, ёзувчи ва шоир сифатида билади ва эътироф этади.

Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида таваллуд топган ва вояга етган буюк аллома бор-йўғи 57 йил умр кўрди. Унинг 18 йил умри илм-фан таҳсилига сарф бўлди. Умрининг кўп вақти қувғинда, дарбадарликда, тазиикда, зиндан азоб уқубатларию ўлим хавфи остида ўтган бўлса-да, илм-фаннынг хилма-хил соҳаларига оид 450 дан ортиқ асарлар ёзди. Улардан 242 таси бизгача этиб келган холос. Улардан 80 таси фалсафа, илоҳиёт ва тасаввуфга, 42 таси табобат, 19 таси мантиқа, 26 таси руҳшуносликка, 23 таси тиббиёт илмига, 7 таси фалакиётга, 1 таси риёзатга, 1 таси мусиқага, 2

таси кимёга, 9 таси одоб илмига, 4 таси адабиётга, 8 таси бошқа олимлар билан бўлган ёзишма-ларга тегишилидир. Кўриняптики, ўрта асрлардаги фанлардан бирортаси Ибн Сино эътиборидан четда қолган эмас.

Аллома асарларининг бир нечтаси 20 жилдлик, 18 жилдлик ҳажмда бўлса, беш китобдан иборат "Тиб қонунлари" 125 босма табоқдан ибррат. "Донишнома" ("Билим китоби") номли машхур фалсафий китоби беш хил илмни—мантиқ, тибиёт, илми нужум, мусика ва илоҳиётни ўз ичига олади.

Ибн Сино фалсафий таълимотида маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ муаммоларини илмий асосда ёритиш муҳим ўрин тутади. "Ахлоқ ҳақидаги рисола", "Аҳд рисоласи", "Руҳни тозалаш ҳақидаги рисола", "Бадани башқариш китоби", "Қуш рисоласи" номли асарларида ахлоқ илмини, инсон хулқини, феъл-атворини, юриш-туришини тартибга солиб турадиган илм деб тушунади.

Ибн Сино "Донишнома" китобида ўз даврида маълум бўлган илмларни иккига: амалий ва назарий илмларга ажратади. "Биринчиси,-деб ёзган эди у,- бизни ўз хатти-ҳаракатларимиздан хабардор қиласи... Унинг фойдаси шундаки, у шу дунёдаги ишларимизни йўлга солиш учун нималар қилишимиз лозимлигини ўргатади... Иккинчиси эса бизнинг жонимиз ўз шаклини касб этиши ва у дунёда бахтиёр бўлиши учун буюмларнинг борлик ҳолати ҳақида бизни хабардор қиласи".

Абу Али ибн Сино ўзининг фалсафий таълимотида яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, роҳат ва азоб-уқубат, иффат, шармҳаё ва беномуслик, сахийлик ва баҳиллик, донолик ва жоҳиллик, севги ва нафрат, поклик ва нопоклик, вафодор-лик ва бевафолик, камтарлик ва такаббурлик, манманлик, мақтанчоқлик сингари одоб-ахлоққа тааллуқли масалаларга алоҳида эътибор билан қарайди. Алломанинг "Ахлоқ ҳақида рисола", "Бурч ҳақида рисола", "Нафсни покиза тутиш ҳақида", "Тиб қонунлари", "Саломон ва Ибсол", "Хикмат булоқлари" асарларида кишилар амалий фаолиятида намоён бўладиган яхши ва ёмон хулқларнинг мазмун-моҳияти ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари тўғрисида кенг маълумотлар берилган. Унинг фикрича, яхши ва ёмон хулқларнинг

ҳаммаси одатдан пайдо бўлади. Айни пайтда у одамларнинг яхши ёки ёмон бўлишига ҳукумат ахлларининг таъсири ҳам зўр, дейди.

Ибн Сино фикрича, инсон иложи борича алдаш, рашқ, ўч олиш, хусумат, бўхтон, тухмат сингари ёмон хулқ, феъл атвортардан ўзини қатъий равишда тийиб, қочиб, асраб юриши, бемаъни йўлларга кирмаслиги лозим. "Саломон ва Ибсол" қиссасида баён этилган ахлоқий-фалсафий фикрлар бу масалада эътиборга молиқдир.

Ибн Синонинг сиёсий қарашларида характерли бўлган нарса бу идеал давлат тўғрисидаги ғояси. Унинг фикрига кўра идеал давлат тепасида маърифатпарвар шоҳ туриши лозим. Жамият аъзоларининг барчаси фойдали меҳнат билан шуғулланиши керак. Ибн Синонинг фикрига кўра, идеал давлат таркиби учга бўлинади:

1- маъмурий ишлар билан шугулланувчилар

2- ишилаб чиқарувчилар

3 – ҳарбийлар

Ибн Сино ўзининг «Рисолаи тадбири манзил» асарида шундай ёзади: «Агар барча одамлар шоҳлар билан, сultonлардан иборат бўлса ёки ҳаммалари оддий меҳнаткашлар бўлса, уларга раҳбарлик қилувчи сultonлар бўлмаса, улар ўлган бўлардилар». Ибн Сино аҳолининг барчасини бутунлай бойиб кетишига ёки қашшоқланиб кетишига қарши бўлган.

Ибн Синонинг ижтимоий-сиёсий қарашлари Абу Наср Форобий асарлари таъсирида шаклланган деб юқорида қайд этгандик, чунки унинг қарашларида Абу Наср Форобий таълимотининг таъсири кучли бўлган.

Жамиятнинг пайдо бўлиши тўғрисида Ибн Сино: «Инсон ўз шахсий эҳтиёjlари мустақиллиги маъносида алоҳида ажralган эмас, чунки уларни инсон зотининг бошқа вакиллари билан бирлашмай туриб қондирилмайди» деб айтган.

Ибн Сино фикрича, «Аъзолари учун умумий қонунлар қарор топган

мамлакатда адолатсизлик бўлиши мумкин эмас. Жамият аъзосининг адолатсизлиги жазоланиши керак. Агар ҳукмдорнинг ўзи адолатсиз бўлса, унга қарши ғалаён жамият томонидан маъқулланиши ва қўллаб-кувватланиши керак».

Ибн Сино ўзининг «Кўрсатмалар ва ўгитлар» китобида бундай ёзади: «Инсон ўз шахсий эҳтиёжларининг мустақиллиги маъносида алоҳида ажralган мавжудод эмас, чунки у ўз эҳтиёжларини инсониятнинг бошқа вакиллари билан мулоқотда бўлмай туриб кониктира олмайди».

Одамлар ўртасида қарор топадиган алмасиш ва ўзаро муносабатлар жараёнларида ўар бир киши ўзга кишини қандайдир эҳтиёждан халос этади, агар ҳар бир киши ҳама нарсани ўзи бошқарадиган бўлса, унинг зиммасига ўта мураккаб, қўлидан келиши гумон бўлган вазифа ишлатилган бўларди. Бунинг натижасида кишилар ўртасида битишув, адолат ва қонуннинг қарор топган нормалари зарур бўлади, қонуншунос эса бундай қонунга алоҳида белгиларга эга бўлганлиги туфайли мажбурийликни касб этиши керак.

Шунингдек, хайрли хатти-ҳаракатларни амалга оширувчилар учун ҳам, ёмон хатти-ҳаракатларни амалга оширувчилар учун ҳам буларнинг барчаси кимга маълум бўлса ва буларнинг барчасидан хабардор ҳамда ҳар нарсага қодир бўлгандан олинадиган мукофот назарда тутилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳакамнинг ва қонуншуноснинг устуворлигини тан олиш зарур ва одамларнинг ўз хатти-ҳаракатларида амал қиласидиган сабаблардан бири уни эслаш бўлиши керак.

Абу Али ибн Синонинг маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ ҳақидаги таълимоти жаҳон илм-фани, маданияти ва маънавияти тараққиётiga қўшилган улкан хисса бўлди.

3.Абу Райхон Берунийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.

Илк Уйғониш даврининг буюк мутафаккирларидан яна бири хоразмлик Абу Райхон Беруний (973-1048) дир. У илм-фаннинг барча соҳаларида улкан кашфиётлар қиласидиган тафаккур титанидир. Унинг илмий мероси ўрта аср фани

тараққиётида бутун бир даврни ташкил этади. Фан тарихчиси Сартон, XI асрнинг биринчи ярмини ҳақли равища "Беруний даври" деб атагани бежиз эмас. Зотан, Абу Райхон Беруний илмий қизиқишлари ниҳоятда кенглиги ва чуқурлиги, илмий-назарий таҳлилларию таълимотининг дохиёна беназирилиги умумдунё тан олган ҳақиқатдир. Уни иккинчи Эротосфен, иккинчи Птоломей, иккинчи Леонардо да Винчи деб аташларининг сабаби айнан шу ҳақиқат самараасидир.

Абу Райхон Беруний Марказий Осиёдагина эмас, балки умуман Шарқда, жаҳон Фани, маданияти тарихида ҳам энг улуғ ва буюк мутафаккирлардан ҳисобланади. У ўзининг «Қадимги халқлардан қолган тарихий ёлгорликлар», «Минерология», «Ҳиндистон» каби асарларида ижтимоий ҳаёт масалаларини ёритган. «Минерология» асарининг муқаддимасида инсон ва унинг ижтимоий аҳволи, ердаги бурчи, олижаноблиги, жамият ҳаёти, ижтимоий адолат тўғрисидаги қимматли фикрларни баён этган. Абу Райхон Беруний том маънода ўз даври сиёsatдони ҳам эди. «Қадимги халқлардан қолган тарихий ёлгорликлар» асарида турли халқлар: форслар, юнонлар, яхудийлар, христиан - моликийлар ҳамда христиан -настурийлар, мажусийлар, событлар, будпараст араблар, мусулмон араблар, турклар тўғрисида қимматли маълумотлар ёзib қолдирган. «Ҳиндистон» китобида эса ҳинд жамиятининг ички тузилиши бу ердаги халқларнинг урф-одатлари, йил, ой ва тарихий саналари, оиласвий муносабатлар, маросимлар, никоҳ масалалари тўғрисида ишончли фикрлар келтирган.

Абу Райхон Беруний табиат, унда чексиз равища рўй бериб турадиган табиий ҳодисалар, жараёнлар хусусида муҳим илмий-фалсафий ғояларни илгари суради ва исботлаб берди. Оламда бўлиб турадиган ўзгаришлар, яъни тузилиш, бузилишларнинг, пайдо бўлиш ва йўқолишларнинг ўзига хос сабаблари борлиги ҳақида табиий-илмий ҳамда социологик мулоҳазаларини ўртага ташлайди.

Абу Райхон Беруний ёшлигиданоқ илм-фанга ўчлиги, қизиқиши доирасию қувваи ҳофизасининг фавқулодда ноёблиги билан тенгдошларидан кескин ажралиб турган. Ёши саксондан ошганда ёзган "Сайдана" асарида Абу Райхон Беруний ўзининг ёшлигини эслаб шундай дейди: "Мен болалик чоғимданоқ ўз ёшим ва шароитимга қараб, имкони борича кўпроқ билим олишга чанқоқ эдим. Бунинг далили сифатида қуидаги фактни келтириш мумкин: биз турадиган жойга (ўшандаги) бир юонон кўчиб келди. Мен ҳар хил донлар, уруғлар, мевалар ва ҳоказоларни олиб бориб, унга кўрсатар ва бу нарсалар унинг тилида қандай аталишини сўраб олиб, номини ёзиб қўяр эдим".

Абу Райхон Беруний ёшлик кезларидан бошлаб кўплаб тилларни, айниқса, ўша давр мусулмон оламида расмий илм тили бўлмиш араб тилини мукаммал ўзлашгиришга интилди. "Ҳар бир халқ,-деб ёзади "Сайдана"да, - ўзи ўрганган, ўз эҳтиёжи учун, ўзига ўхшаган кишилар билан алоқа қиласидиган тилни севади. Мен бу тўғрида ўзимга қараб фикр юритаман: Каъба новида туюни ёки араб отлари ичида жирафани кўриб, қанчалик ҳайрон бўлсалар, мен бирор фанга оид асаримни ўзим гапирадиган тилда ёзсан, бунга ҳам худди шундай кулган бўлар эдилар. Сўнг мен араб ва форс тилларида ёза бошладим, лекин уларнинг ҳар иккаласи ҳам менинг она тилим эмас, шунинг учун ўз фикримни бу тилларда баён этишга қийналаман".

Абу Райхон Беруний араб ва форсчадан ташқари сурёний, юонон тилларини ҳам ўрганади, бу тилларда яратилган қадим асарларни аслида ўқииди. Ёши 45 дан ошганда қадимги ҳинд тили санскритни ўзлаштиради. "Беруний юонон фалсафасини ўрганиб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмоқ учун, -деб ёзган эди Жавоҳарлал Неру "Хиндистоннинг кашф этилиши" асарида — санскритни ўргана бошлади. У ҳинд ва юонон фалсафасини бирбирига солиштириб, буларда мавжуд бўлган умумийликни кўриб, ҳайратда қолди ".

Тадқиқотчи олимларнинг берган маълумотларига қараганда, Абу Райҳон Беруний ўрганиб олган қўплаб илмий асарларни биридан иккинчига ўгирган. Биргина доричиликка оид "Сайдана" деган асарида ҳар бир ўсимлик, ҳайвон, дори, маъдан ва моддаларнинг номларини форс, араб, юнон, сурёний, ҳинд, хоразмий, туркий, хулласи калом 31 тил ва лахжада келтирган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Абу Райҳон Берунийнинг бой маданий мероси унинг илмий ва маданий асарлари билан чекланиб қолмаган, бундан ташқари қомусий олим сиёсий ва ҳуқуқий масалалар билан ҳам қизиқкан.

Абу Райҳон Берунийнинг сиёсий ғояларидан бири унинг давлат пайдо бўлиши ҳақидаги қарашларидир. Унинг фикрича, одамлар ўз душманида қарши курашиш ва ўзларининг зарурий эҳтиёжларини қондириш учун уюшган ҳолда яшаш ва ишлашга мажбурдирлар. Беруний «Минераллар» асарида эҳтиёжлар турли хил бўлиб, у фақат бир неча уюшсагина қониқтириши мумкин, деган ғояни илгари сўради. Шунинг учун одамлар шаҳарлар яратишга муштарақдирлар, дейди.

Абу Райҳон Беруний одамларнинг жамоа бўлиб яшашларининг асосий қоидалари бу ўзаро ёрдам, бир-бирлари билан тинч яшаш, умумий манфаатлар учун ишлаш каби принципларга асосланган бўлиши керак. Инсоннинг асосий вазифаси – бу меҳнат қилишdir. Чунки барча нарсаларга меҳнат орқали эришилади. Кишиларнинг бой ва камбағал бўлишининг, эзувчи ва эзилувчиларга бўлиннишининг асосий сабаби – мулкий тенгсизлик эканини тушунтиради ва фуқаролар ўртасида тузилган меҳнат ва айирбошлиш шартномаларини икки турга бўлади: 1-қонуний ёки адолатли шартномалар – бунда меҳнатга яраша иш ҳақи олади. 2-қонунсиз ёки адолатсиз шартномалар – бунда тенгсизлик, зўрлик, қаллоблик амал қилиб, бунда фақат бир томоннинг манфаатлари эътиборга олинади.

Абу Райҳон Беруний давлат ва ҳуқуқни пайдо бўлиши ва уларнинг вазифалари масалаларини Абу Наср Форобий каби, табиий эҳтиёжлардан қидиради. Берунийнинг фикрича, одамлар ижтимоий адолатли тартиб-қоида ўрнатиш учун, яъни шартномага асосланиб давлатга бирлашадилар ва Абу

Райхон Берунийнинг ғояларида диспотияга қаршилик ҳисси сезилиб туради. Маърифатли шоҳлар эса улуғлар экан, унинг фикрига кўра, жамият подшоҳга хизмат қилмай, подшоҳ жамиятга хизмат қилиши керак.

«Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти балки бошлиқ золимлардан азият чекканларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бирорларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдир. Бу уларнинг оиласини, уларнинг ҳаёти ва мол-мулкини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш йўлида бадан чарчашидан иборат». Унинг сиёсий қарашларида давлат бошлиғи табиатан бошқариш қобилиятига эга бўлиши лозим. Бунинг учун эса давлат бошлиғи давлатнинг муҳим масалаларини ҳал этишда донишмандларнинг қонунларига амал қилиши лозим. Бунда Абу Райхон Беруний Арстунинг Искандарга қилган насиҳатларини, ҳамда Искандарнинг уларга амал қилганини мисол қиласди. Абу Райхон Берунийнинг фикрича, «одил ҳокимнинг вазифаси олий ва паст табақалар, кучлилар ва кучсизлар орасида тенглик, адолат ўрнатишдан иборатдир».

Абу Райхон Беруний давлат ҳокимиятни наслдан-наслга ўтиб туриши қонун-қоидасига қараб, подшолик меросга айланганини кўриб, инсоннинг жамиятда тутган ўрни наслнинг қадимийлиги, авлод-аждодларнинг хизматлари билан белгиланишига қарши чиқади. Бу ҳақда шундай: Кимки ўзининг марҳум қариндош-уруғи ва бувалари орқали мансабга (подшолик ёки ҳокимликка) эришаман деса унинг ўзи марҳумдир, лекин марҳум авлодлари барҳаётдир» дейди.

Унинг фикрича, у ёки бу давлат арбобининг ҳокимиятни бошқаришга яроқлилиги унинг авлодлари қобилиятидан бўлмай, балки унинг давлатга раҳбарлик қилишдаги ўз қобилиятига боғлиқ бўлади.

Бундай ташқари, яна одамларнинг ранги, тили унинг фикрича, у ёки бу давлат арбобининг ҳокимиятни бошқаришга яроқлилиги унинг авлодлари қобилиятидан бўлмай, балки унинг давлатга раҳбарлик қилишдаги ўз қобилиятига боғлиқ бўлади.

Шу ўринда, яна одамларнинг ранги, тили, ташқи кўринишининг турлича бўлиши фақат наслига боғлиқ бўлмасдан, балки улар яшаётган муҳитга, ҳавога, сувга ҳам боғлиқ, деб ёзар экан, унинг фикрича, турлича давлатларнинг мавжудлиги, турли хукмдорларнинг бўлиши ҳам юқоридагиларга боғлиқлигини таъкидлайди.

Абу Райхон Беруний жамиятни бошқаришда бу ҳақда юқорида ҳам эслатиб ўтилганди, яъни жамият подшоҳга хизмат қилмай, балки подшоҳ, жамиятга хизмат қилиши кераклигини қўллаган: «Идора қилиш ва бошқаришнинг моҳияти азият чекканларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш, бирорларнинг тинчлиги йўлида ўз тинчлигини йўқотишдан иборат», -дейди.

Абу Райхон Берунийнинг сиёсий қарашларида давлатни бошқариш учун халқ томонидан сайлаб қўйиладиган ҳоким одил ва халқпарвар бўлиши ғояси илгари сурилади.

У ушбу ғояни ўзининг «Минералогия» асарида бир ҳикоят мисолида ёзган:

«У ерда ўлкани идора қилиш аъёнлари ва ер эгалари ўргасида навбатма-навбат бир-бирига ўтиб турармиш, кимга навбат келса, ўша уч ой хукм юритармиш. Муддат тугаши билан ўз-ўзидан ўлкани идора қилиш амалидан тушиб миннатдорчилик учун садақа беради ва ўз аҳли орасига қайтади, у билан гўё кишандан бўшагандай хурсанд бўлар ва ўз иши билан банд бўлар эмиш. Бу шунинг учунки, давлатни идора қилиш роҳатдан маҳрум бўлиш деган сўздир. Бунда у ўша жойдаги эзувчиларни эзилувчиларга нисбатан адолатли қиласман, деб тинкасини қуритиш деганидир. Бу эса ўз қули остидагилардан ва уларнинг ўзларини ҳимоя қилиш учун уруш тадбирини тайёрлаш борасида ўз жонини қийнашдир...».

Абу Райхон Беруний маънавият ва маърифат ҳақидаги таълимотида ақл-идрок, меҳнат, тафаккур одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, инсон ҳаёти ва ижтимоий моҳиятини белгилайди, дейди. У жамиятнинг юзага келишида ўзаро ёрдам, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий алоқа ва муносабатлар

асосида биргалиқда ҳара-кат қилиш сингари мұхим омиллар ётишини ўрта асрчилик шароитидаёқ исботлаб берган эди.

Жамиятнинг юзага келиши ва ривожланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий қиёфасининг шаклланиши кишиларнинг ҳамкорликда фаолият этиш заруратидан келиб чиққанлиги, Абу Райхон Беруний таълимотида бот-бот эслатилади.

Муайян вазифаларни ҳамкорликда бажариш зарурияти инсон фаолиятининг мавжуд бўлиш асосидир. «Инсоннинг қадр-қиммати ўз манфаатини аъло даражада бажаришдан иборат, шунинг учун ҳам инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳ-нат билан белгиланади, инсон ўз хошишига меҳнат туфайли эришади», -деб ёзади Абу Райхон Беруний «Геодезия» асарида.

Меҳнат - инсон маънавий-ахлоқий камолоти асоси. Меҳнатсиз ҳаётда шод-хуррамлик йўқ, инсон ўзи истаган нарсасига меҳнат сарфлаш орқали эришади. Бу ғоя Абу Райхон Берунийнинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотида, хусусан, маънавият-маърифат ҳақидаги фикр-мулоҳазаларида бош дастурий моҳият касб этади.

Абу Райхон Берунийнинг маънавий-маърифий қарашлари билан боғлиқ таълимотида меҳнат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, касб-хунар, илм-маърифат узвий муштараклиқца, диалетик бир бутунликда таҳлил ва талқин этилади. Инсон амалий фаолиятининг бирон-бир соҳаси уларнинг ўзаро таъсирисиз амалга ошмайди, деб ёзгани бежиз эмас.

Ростлик, одиллик, адолат - булар Беруний юксак маънавити, гўзал одоб-ахлоқи белгисидир. Ўзингни зааринг ҳисобига бўлсада, рост гапир, ҳақиқатдан юз ўғирма, ҳар бир нарсага одилона ва холисона ёндош, деб таълим беради ва ўзи мазкур ғоя ва таълимотларга бир умр содиқликнинг ибрат-намунасига айланади.

Абу Райхон Берунийнинг илм-фан, маданият, маънавият ва маърифат ҳақидаги таълимоти, биродарлик, самимият, тенглик, адолат, яхшилик, тўғрилик, инсонпарварлик каби умуминсоний ғоялари янгича миллий тафаккур

тарбияси шакланинишида ахлоқий-этиқ, маънавий-фалсафий асос бўлиб хизмат қилади.

Абу Райхон Беруний ижтимоий сиёсий қарашлари орқали нафақат Марказий Осиё, балки қадимги юонон ва ҳинд мутафаккирларининг илфор анъаналарини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса кўшди, ҳамда тарихда жамиятшунос олим сифатида муносиб ўринга эга бўлди.

4.Ибн Рушднинг сиёсий-хукуқий фикрлари.

Ўрта асрлар Уйғониш даври маданияти ривожида Марказий Осиё давлатларидан ташқари мусулмон давлатлари мутафаккир олимлари, файласуфлари ва сиёsatшуносларининг давлатчилик борасидаги фикрлари ўзига хос аҳамият касб этади.

Шулардан Ўрта аср араб халифалигининг ғарбий қисмida яшаб ижод этган етук араб файласуфи ва қомусий олим Ибн Рушднинг қарашлари шарқ сиёсий-хукуқий тафаккури ривожида эътиборга сазовордир.

Асли номи Адуб Валид Мұхаммад ибн Аҳмад (Европада Аверроес деб юритилади) 1126-1198 йилларда ҳозирги Испаниянинг Кордоба шаҳрида туғилиб, Андалуси ва Марокко шаҳарларида яшаб, ижод этган бу йирик олим Арастунинг издоши ҳисобланган. Ибн Рушд Аристотел қарашларини давом эттириб, ўз фалсафасида маълумотизм элементларини ривожлантирган, шу асосда ўз шахсий фалсафий тизимини яратган. У ўз қарашларида худонинг мавжудлигини эътироф этсада, дунёни, материяни худо яратмаган, дейди. Ибн Рушд таълим бериб айтадики, дунё, материя бошланишига ҳам якунига ҳам эга эмас. Материя бениҳоя, абадий ва азалий, дейди. Унинг қарашича моддий дунёда факат зарурият хукм суради, худо ҳам шу заруриятга бўйсунади.

Ибн Рушднинг асарлари Европа схоластикаси ривожланишида катта рол ўйнайди. Уйғониш даврида у томонидан билдирилган баъзи бир сиёсий-хукуқий фикрлар кейинчалик Янги давр Европа мутафаккир олимлари сиёсий – хукуқий қарашларини келиб чиқишида асос бўлиб хизмат қилган. Бунинг ёрқин намунаси сифатида бир неча асрлар давомида у томонидан билдирилган фикрларнинг Европа схоластлари ўртасида қатъий асос бўлиб хизмат қилганлигидир.

Ибн Рушд ортодоксал ислом – калом таълимоти илгари сурадиган: кишининг ўлгандан кейин тирилиши, охиратнинг мавжудлиги “у дунё” тўғрисидаги қарашларни бутунлай рад этади. У инсондаги жонни тана билан чамбарчас боғлиқ, ундан ажralмас, дейди. Унингча, жон умуман олганда ўлмасдир, бир бутун холда олганда хам инсоният хам ўлмасдир, унинг умумий ақли, яъни умумий ақл хам ўлмасдир, абадийдир.

Ибн Рушд ўз даври учун прогрессив бўлган “икки хил хақиқат” тўғрисидаги таълимотни яратди. Бу таълимотда айтилишича, илмий-фалсафий фикр эришган хақиқат диний таълимотларда мавжуд хақиқатларга мос келмаслиги мумкин. Унинг бу фикри ўз навбатида фанни ва фалсафани диннинг, илоҳиётнинг исканжасидан, диндорлар тазиқидан озод қилишда муҳим рол ўйнайди.

Унинг бу фикрлари, улар жамланган фалсафий асарлар, уларни ўрганиш ва ўқитиш ўша давр черковлари томонидан кўп маротаба таъқиқ остига олинди. Бундан ташқари унинг фикрларига қарши баъзи бир машхур Европа файласуф олимлари хам фикр билдиришган. Буларнинг барчаси Ибн Рушд инсонларнинг ақли ва илмий қарашларига таъсир ўtkаза оладиган даражадаги фикрларга ва юқори мавқега эга бўлганлигидан далолат беради.

Унинг дин ва рационалистик фикрлар ўртасида келишувга эришиш йўлидаги ҳаракатлари ўша давр учун долзарб деб хисобланган, чунки Европадаги файласуф-схоластлар ўзларинг диний таълимотлари доирасида шунга ўхшаш масалалар билан тўқнаш келишган.

Афлотуннинг “Давлат” асарига ёзган шарҳида ҳамда “Фалсафа ва дин ўртасидаги алоқадорликка доир фикр-мулоҳазалар” номли асарларида у ўзининг ҳуқукий қарашларини ҳам баён этган. Ибн Рушднинг идеал давлат ҳақидаги қарашлари давлат раҳбари иқтидорли фуқаролар орасидан сайлаб қўйилиб, бу ҳукмдор мукаммал ишловчи қонунлар тизимиға таяниб, давлатни бошқаради. Ҳукмдор ҳеч қандай диний имтиёзлардан фойдаланмайди ва у оддий дунёвий ҳукмдор сифатида фаолият юргизади, чунки рухонийлар тиранияси, Ибн Рушднинг фикрича, номаъқул давлат бошқарувининг энг ёмон кўринишидир.

Ўрта асрлар Араб халифалигидаги сиёсат, ҳокимият, давлат ва ҳуқуқ соҳаларининг ривожланишига катта ҳисса қўшган мутафаккир қомусий олим Ибн Рушд ҳақидаги маълумотлар унчалик ҳам тўлиқ эмас. Бунга сабаб аллома яшаган даврда ҳокимият ва дин ўртасида мавжуд бўлган қарама қаршиликдир. Чунки Ибн Рушдинг ҳурфикрлилиги ўша давр дин вакилларига ёқмаганлиги сабабли у томонидан ёзилган асарлар йўқотилган. Ундан бизгача фақат лотин тилига таржима қилинган асаригина етиб келган. Аммо ана шу биргина таржиманинг ўзи ҳам Ибн Рушд асрларининг қанчалар катта салмоққа эга бўлганлигини бизга кўрсатиб туради. Шуларга қарамасдан бутун Европа халқлари Ибн Рушд (Аверреос) ни Арасту асрларининг шархловчиси, буюк философ сифатида тан олади ва қадрлайди.

6. Ибн Халдуннинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари.

XIV асрга келиб исломдаги сиёсий фикр бошқарув шаклини таснифлашни ишлаб чиқишига эришди. Бу эса энг аввало, етук олим Ибн Халдун исми билан боғлиқ.

Ибн Халдуннинг машҳур “Муқаддима” асарида келтирилган давлат ва сиёсат ҳақидаги таълимотларининг фарқли жиҳати шундаки, у тарихий социологик кўриниш асосида давлатга фалсафий ва юридик жиҳатдан ёндашишни бирлаштирган.

Тунислик таниқли сиёсий олим-мутафаккир Ибн Халдун 1332-1406 йилларда яшаб ижод қилган. Ибн Халдуннингнинг давлат ва ҳуқуқ масалаларига дунёвий ёндошганлиги, ҳамда унинг “давлатнинг моҳияти - унинг хусусий мулкни муҳофаза қилишидадир”, деб, хусусий мулкни ҳимоя қилмайдиган давлат сиёсатини қаттиқ қоралаганлиги ўша давр учун прогрессив аҳамиятга эга бўлиш билан бир қаторда, шу давр давлат-ҳуқуқий қарашлари ривожига ҳам катта таъсир этган.

Адолатли, қонунларга асосланиб амал қиласиган давлат ҳақидаги қарашлар ривожига ҳамда Марказий Осиё давлатларидағи ҳуқуқий фикрларга ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган.

Ибн Халдун ҳар доим масалага бир социолог сифатида ёндашади. Шунинг учун у биринчилардан бўлиб, давлатнинг келиб чиқишини, оддий жамият билан таққосланишини ўрганади. Унинг фикрича, мулкчилик асосида инсонлар ўртасида табақалар пайдо бўлган, бунинг юксалиши оқибатида давлат юзага келган.

У жамиятларни иккига: баъдавий ва маданий жамиятни ажратиб кўрсатади. Лекин у баъдавий жамиятни асл жамият, маданий жамиятни эса иккиласми жамият деб кўрсатади. Чунки инсонларнинг асл табиий эҳтиёжлари баъдавий жамиятида асосий ўринда туради, маданий жамиятда эса бу масаланинг ёнида қўшимча масалалар пайдо бўлади, деб кўрсатади Ибн Халдун.

Ибн Халдун давлат ва сиёsat ҳақидаги ўзининг асосий қоидаларини “Муқаддима” деб номланган машхур асарида баён қилиб берган.

Ибн Халдун таълимотига кўра, инсоннинг табиати билан боғлиқ равишда ҳар қандай жамият одамларнинг ёвузлик ва ўзаро бир-бирини қириб ташлашга “табиий” интилишларига тўсқинлик қиласиган “тийиб турувчи асос”нинг бўлишига муҳтождир. Давлат жамият аъзоларини бирлаштиради, ҳамда ўз фуқароларига нисбатан ҳам, шунингдек, ташқи доирада ҳам мажбуров ҳокимиятини амалга оширади. “Ички” ҳокимият ҳукмдорнинг куч ёрдамида фуқароларни бошқариши, қонунларни ҳаётга жорий этиши, давлат ичида тартибни таъминлаши, соликларни йиғиши ва армияни шакллантиришга ёрдам берувчи чексиз ҳукмронлигидан иборат. Давлатнинг “ташқи” олий ҳокимияти унинг бошқа ҳар қандай ҳокимиятга ёки мажбуровга бўйсунмаслигига намоён бўлади.

Ибн Халдун қарашларига кўра, давлат сиёсати фақат ҳукмдорларнингина ўз ичига олмай, балки барча фуқароларни ҳам жалб этиши керак. Шунинг учун давлатнинг барча ўзгаришлари нафакат давлат бошлиги ҳолатининг ўзгаришлари, балки бутун жамият ўзгаришлари билан боғлиқ. Давлатнинг мавжудлиги уч авлод ёши билан аниқланадиган вақт чегаралари

билин тартибга солинади. Ушбу давр мобайнида у (давлат) ривожланишнинг 4 та босқичини босиб ўтади.

1. Янги мажбурлов ҳокимиятининг вужудга келиши;
2. Давлатнинг гуллаб яшнаши;
3. Бошқарувнинг мажбурлов усулига ўтиши;
4. Давлатнинг инқирозга юз тутиши ва йўқолиб кетиши;

Ибн Халдун давлатлар ривожланиши босқичлари масалаларини назарий жихатдан ўрганиш билан бир қаторда ўзининг назариясини халифатни тарихий ўзгариши, унинг монархияга айланиши жараёни таҳлилида қўллашга ҳаракат қилди. Халифаликни монархияга айланишининг асосий сабаби мусулмонларни бирлаштирувчи куч – иймоннинг ўрнини қилич эгаллашини, яъни жамоа мавжудлиги ижтимоий шароитларининг инқирози, деб ҳисоблаган.

Ибн Халдун бошқарувнинг уч шакли – “табиий монархия”, “сиёсий монархия” ва ҳалифаликни ажратиб кўрсатиб, улардан ҳам диний, ҳам дунёвий қадриятларни ўзида мажассам этувчи ҳалифаликни афзал кўрарди.

Ибн Халдуннинг фикрича монарх ўз фуқароларига “бегона” ҳукмдор, чунки у мажбурлов ҳокимиятига таяниб давлатни бошқаради, халифа эса ўзининг сиёсатида омманинг мусулмон ҳукуқи адолатлилигига бўлган ишончига таянадиган “ўз” ҳукмдоридир.

Ибн Халдуннинг сиёсий назарияси мусулмон ҳукуқий назариясининг шундай чўққиси бўлдики, уни эгаллагач мусулмон ҳукуқий сиёсий назарияси амалда ўз тараққиётида кўп асрлар давомида тўхтаб қолди.

Хулоса.

Шарқ уйғониш даври энциклопедист олимлари, файласуфлари томонидан яратилган давлатчилик мероси, уларнинг давлат, хуқуқ, ҳокимият ва сиёsat ҳақидаги таълимотлари инсоният тарихи ривожига улкан хисса қўшган.

IX-XII асрларда Шарқ халқларидан бутун маданий оламга, башариятга маълуму машхур бўлган буюк алломалар, фозилу фузалолар, даҳолар, муҳаддислар, фиқхшуносларнинг саф-саф бўлиб етишиб, жаҳон илму фани, маданияти, маънавияти ва маърифатини ўз кашфиётлари, таълимотлари ва ўлмас илмий асарлари билан ижодий бойитишлари, энг юқори нуқтага кўтаришлари илк Уйғониш даври номи билан бевосита боғлиқдир. IX-XII асрларни шартли равишда Шарқ халқлари тарихида Уйғониш даврининг биринчи, бошланғич даври деб аташ мумкин. Бу даврларда Шарқ халқларининг наинки маданий-маънавий, маърифий, балки ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида ҳам кескин ўзгаришлар, туб бурилишлар бўлганлигини кузатиш мумкин.

Айни шу давр Туронзамин халқлари тарихида ҳам мустаҳкам ўрин эгаллайди. Илк Уйғониш даври Ўрта Осиё мутафаккир олимлари Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг фуқаролик жамияти, давлатчилик ва давлат бошқаруви шакли ҳамда сиёsat ҳақидаги қараш ва таълимотлари жаҳон давлатлари хуқуқ тизими ҳамда ҳокимият бошқарувида ўзига хос мавқега эга. Шу ўринда, мустақил давлатимиз сиёсий, хуқуқий бошқарув тизимларида мутафаккир олимларимиз томонидан яратиб кетилган концепциялардан фойдаланилаётганлигини таъкидламасдан ўзга чорамиз йўқ. Қомусий алломаларимиз қолдирган улкан мерос Ўзбекистонда хуқуқий демократик давлат барпо этишнинг назарий-хуқуқий, тарихий асосларини ўрганиш, жамиятда суд-хуқуқ ислохотларни чукурлаштиришда, ахолининг хуқуқий онгини ва хуқуқий маданиятини юксалтиришда катта аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш давлатимизнинг устувор мақсадларидан бири сифатида намоён бўлаётир. Айрим тадқиқотчилар бу борада қўпинча хориждан мисоллар келтиришга ҳаракат қилишади. Ҳолбуки, ўзимизнинг аждодларимиз меросига мурожаат этсак, фуқаролик жамиятига доир қимматли манбаларга дуч келамиз. Мутафаккир аждодларимиз қолдирган бой илмий-маънавий қадриятлардан нафақат илм-фан ривожини таъминлашда, шу билан бирга эркин ҳукуқий демократик ҳамда фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида ҳам кенг фойдаланишимиз мумкин. Чунки, уларда давлатчилик назарияси, Фуқаролик жамияти принциплари ҳамда демократик тамойилларни тадқиқ этишга етарли даражада эътибор қаратилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Бобоев Б. X ва бошқалар. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи. Дарслик.2002.
2. История политических и правовых учений. Хрестоматия. - М., 2000.
3. Философский энциклопедический словарь.
4. Мухиддинова. Ф.Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар.ТДЮИ.2002.
5. Мухиддинова.Ф.Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар. Маъruzalар матни.2005.
6. В.С.Нерсесеянц. История политических и правовых учений .М. Норма. 1999.
7. Лейст.История политических и правовых учений. М.2000.
8. А.Ирисов. Абу Райхон Беруний хркматлари. Т., "Ёш гвардия", 1973
9. М.Хайруллаев. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Т., «Узбекистон», 1971
10. Фурқат Жўрақулов.Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти катта илмий ходими."Тафаккур“.2007 й.